

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи
мажлисига 2022 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси ички
ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва
уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги**

А Х Б О Р О Т И

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бошчилигида **Янги Ўзбекистонни** барпо этиш мақсадида мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва аҳолининг муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада, 2022 йил давомида ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида бир қатор қуйидаги комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

I. “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги **ПФ-60-сон** Фармони билан тасдиқланган “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастуридаги чора-тадбирлар учун Ички ишлар вазирлиги асосий ижрочи этиб белгиланган жами **10 та** банднинг ижроси таъминланган.

Бунинг доирасида:

– озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқаролар учун “Дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети” жорий этилди;

– жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятига замонавий рақамли технологиялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этган ҳолда “**102**” тизимини такомиллаштиришга қаратилган **8 та** ташкилий-техник тадбирлар амалга оширилиши белгиланди;

– жорий йилдан бошлаб фуқаронинг шахсини аниқлаш учун ички ишлар бўлимига олиб бориш амалиётидан воз кечилади, шахсга доир барча маълумотлар жойида планшет орқали текширилади ва патруль-пост хизмати ходимларининг фаолияти “бодикамера”дан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши йўлга қўйилади.

II. Олий Мажлис Сенатининг 2022 йил 5 августдаги “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахбороти ҳақида”ги қарори ижроси

2022 йил 5 августда ўтказилган Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисининг қарори (СҚ-596-IV-сон) билан белгилаб берилган **11 та** топшириқнинг ҳар бир банди алоҳида назоратга олиниб, масъуллар белгиланиб, ижроси таъминланди.

III. Аҳолининг ижтимоий-маиший муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш ҳамда фуқароларга қулайликлар яратиш борасидаги тадбирлар

3.1. Қишки мавсумда ноқулай об-ҳаво шароитида аҳоли осойишталигини таъминлаш борасида бир катор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, ҳар бир ҳудудий ички ишлар органларида **идоралараро ишчи гуруҳлар** (ИИБ, МГв, ФВВ, прокуратура, ҳокимлик, каммунал соҳа идоралари) ташкил этилиб, электр энергия, табиий газ ресурсларини хавфсиз истеъмол қилиш ва шу билан боғлиқ ноқонуний ҳолатларни аниқлаш ишлари ташкил этилди:

– электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ **17 та** жиноий ва **746 та** маъмурий ҳолат аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди;

– табиий газдан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ **34 та** жиноий ва **859 та** маъмурий ҳолатлар аниқланди;

– энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш юзасидан маҳаллаларда **45 минг 768 та** объектлар ўрганилиб, аниқланган муаммоларнинг **1 223 таси** бартараф этилиб, **33 таси** бўйича тегишли ташкилотларга тақдимномалар киритилди;

– мазкур соҳада аҳолидан **94 002 та** мурожаат келиб тушиб, уларнинг **80 821 таси** ижобий ҳал этилди, **12 824 таси** бўйича тушунтириш берилди;

– ноқулай об-ҳаво шароитида йўлларда хавфсиз шароитларни таъминлаш учун **1 630 нафар** йўл-патруль хизмати ходимлари ва **851 та** патруль автомашиналари, шунингдек, **2 132 нафар** ҳокимлик ва **1 953 нафар** йўл идоралари ходимлари ҳамда **568 та** йўл тозалаш техникалари жалб этилди.

Ўз навбатида Тошкент шаҳрида Ички ишлар вазирлигига бириктирилган Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Чилонзор, Яшнобод ва Бектемир туманларида ҳам аномал совуқ шароитида аҳолига қулайлик яратиш ва уларнинг муаммоларини ҳал этиш борасида тизимли ишлар ташкил этилди.

Ҳар бир туман электр таъминоти корхоналарида (ҳуқуқ-тартибот идоралари, ҳокимлик, электр, газ, иссиқлик корхоналари ва коммунал хизматлар раҳбарларидан иборат) **тезкор штаблар** тузилди.

Штабларда **4 та сектор раҳбарлари** томонидан мурожаат қилаётган фуқаролар билан суҳбатлашиш ва уларнинг муаммоларини зудлик билан ҳал этиш амалиёти йўлга қўйилди.

Энергия таъминотидаги узилишларни **алоҳида дафтарга** қайд этиш (навбатчилик қисмидаги тартиб асосида), ҳодиса жойига таъмирлаш

бригадаларини йўл-патруль хизмати машиналари кузатувида етиб бориши таъминланди.

Бунинг учун, штабларда жами **46 нафар** ишчилардан иборат **24 соат** фаолият юритувчи “Колл-центр”лар ташкил этилди.

Электр тармоқлари корхонасида **96 та** таъмирлаш гуруҳи (*кундузги 58 та, тунги 38 та*) тузилиб, уларга **96 та** патруль экипажи бириктирилди.

Электр энергия ва табиий газ таъминоти билан боғлиқ **7 340 та** мурожаат келиб тушиб, барчаси ҳал этилди.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2022 йил 13 декабрда **Учтепа туманига** амалга оширган ташрифи давомида Тошкент шаҳридаги жамоат транспорти йўловчилари учун яратилган шароитлар билан танишиб, бу борадаги иш фаолиятини **қаттиқ танқид қилиб**, топшириқлар берди.

Шундан келиб чиқиб, “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамиятида **Идоралараро тезкор штаб** фаолияти йўлга қўйилиб, **автобус саройлари** Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигига бириктирилди.

Таъмирталаб **150 дона** автобуслар таъмирланиб, йўналишларга чиқарилди, автобуслар паркини кўпайтириш учун вазирлик ва идоралардан кўшимча **55 дона** автобуслар жалб этилди.

“Самавто” заводидан **178 дона** янги автобуслар олиб келиниб, йўловчиларни ташишга жалб этилган автобуслар сони **1 104 донага** етказилди ва тирбанд йўналишларга **80 дона** автобусларни кўшимча жалб этиш имконияти яратилди.

Натижада автобуслар **ҳаракатланиши оралиғи 10 дақиқагача** қисқаришига, ташиладиган **йўловчилар сони 12 фоизга** ошишига эришилди.

Автобус йўналишларида **йўл инфратузилмаси** билан боғлиқ **87 та** камчиликлар бартараф этилди. Жумладан, **916 км йўл чизиқлари** янгиланиб, кўшимча **159 дона йўл белгилари** ўрнатилди.

Тирбанд кўчаларда автобуслар учун **5 та** алоҳида йўлаклар ажратилиб, барча зарурий йўл чизиқлари ва йўл белгилари билан қайта жиҳозланди ҳамда **2 555 та** бекатларда аҳоли кайфиятини ўрганиш бўйича **652 нафар** ходимлар бириктирилиб, бекатларнинг барчаси ўрганилиб, уларда аниқланган **712 та** камчиликлар бартараф этилди.

IV. Йирик оммавий тадбирларда жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тадбирлар

2022 йилдаги **Наврўз байрами 239 та** объектларда **1 млн 257 мингдан** ортиқ фуқаролар иштирокида ўтказилиб, жамоат тартиби тўлиқ таъминланди.

Бунда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун жами **36 214 нафар**

куч-воситаларни сафарбар этилиб, хизматда фойдаланиш учун **7 305 та алоқа, 1 656 та автотранспорт воситалари ва 2 532 та металлодетектор** билан таъминланди.

Байрам тадбирлари ўтказиладиган барча жойларнинг **техник мустаҳкамлиги, тайёргарлик кўриқдан ўтказилиб**, ушбу ҳудудлар **2 272 та кузатув камералари** билан тўлиқ қамровга олинди.

Мустақилликнинг 31 йиллик байрами тантаналари **224 та объектларда 800 мингдан ортиқ** фуқаролар иштирокида ўтказилиб, ноҳуш ҳолатлар содир этилмади.

Мазкур тадбирларга **20 091 нафар** ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва **8 344 нафар жамоатчилик вакиллари** жалб этилади. Уларга хизматда фойдаланиш учун **5 749 та алоқа, 1 478 та автотранспорт воситалари, 1 954 та металлодетектор** ҳамда **298 бош** хизмат итлари бириктирилди.

“Янги 2023 йил” байрами муносабати билан 2022 йил **20** декабрдан 2023 йил **9** январга қадар **255 та** объектларда **3** млндан ортиқ фуқаролар иштирокида **2 744 та** байрам тадбирлари ўтказилди.

Хавфсизликни таъминлашга **21 062 нафар куч-воситалар** жалб этилди.

2022 йил 29-30 декабрда Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳри ва вилоятларда **“Президент арчаси” тадбирлари** ўтказилди.

Президент номидан бериладиган жами **9 993 та** совғалар **2022 йил 20-25** декабрда авто ва ҳаво транспортлари орқали ҳудудларга юборилди.

Байрам тадбирлари давомида **55 та** кўчалар **247 та бетон тўсиқлар** ёрдамида ёпилди.

Юқоридаги барча оммавий тадбирларни ўтказиш давомида тезкор вазиятни назорат қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва хизматга жалб этилган куч-воситаларни марказлашган тартибда бошқариш учун **Вазирлик марказий аппаратида тезкор штаб**, жойларда эса **ишчи гуруҳлар** фаолияти йўлга қўйилди.

Жойлардаги штабларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларга зарурий амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлик марказий аппаратининг раҳбар ходимлари ҳудудий ички ишлар органларига масъул этиб бириктирилди.

Тадбирлар давомида жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида **“Хавфсиз ҳудуд”, “Чегара тозалаш”, “Қурол”** ва **пиротехника буюмларини** ноқонуний айланишининг олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар ўтказилди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳрида **2022 йил 15-16 сентябрь** кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо-мамлакат раҳбарларининг навбатдаги саммити ўтказилиб, унда **13 та** давлат ва **10 та** халқаро ташкилот раҳбарлари иштирок этди.

Саммит давомида **Махсус оператив штаб** фаолияти йўлга қўйилиб, хавфсизликни таъминлаш учун Самарқанд йўналишида жами **20 мингдан ортиқ** шахсий таркиб жалб этилган.

Ўз навбатида, **2022 йил 10-11 ноябрь кунлари** Туркий давлатлар ташкилоти Самарқанд саммитида **Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия** давлат раҳбарлари ҳамда **кузатувчи бўлган 2 та**, яъни **Венгрия** бош вазири ва **Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси** иштирокида ўтказилди.

Мазкур тадбирлар давомида жамоат тартиби замонавий куч-воситалардан ва **янги ахборот технологияларидан** воситаларидан самарали фойдаланилган ҳолда ташкил этилди.

V. Маҳаллаларда фуқаролар учун муносиб ва хавфсиз шароитларни яратиш борасида ўтказилган тезкор-профилактик тадбирлар

Бевосита маҳаллаларда аҳоли муаммоларини ҳал этиш, фуқароларнинг ҳаёти учун муносиб ва хавфсиз шароитларни яратиш ишларининг ҳаққонийлигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2022 йил 6 апрелдаги (02-406-сон) топшириғига асосан 2022 йил **10 апрелдан 1 июль** кунига қадар **биринчи босқичда** республиканинг барча ҳудудларида аҳоли осойишталиги ҳамда **криминоген вазият барқарорлигини таъминлаш** бўйича комплекс ташкилий ва профилактик чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бунинг доирасида:

– сектор раҳбарлари ва секторлар штаби аъзоларининг ҳудудларни **ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш** ҳамда **жиноятчиликни жилавлаш** фаолияти **танқидий ўрганилиб, услубий ва амалий ёрдамлар кўрсатилди;**

– фаол нурунийлар ва маҳалла жамоатчилиги билан мулоқотлар ўтказилиб, фуқароларни қийнаб келаётган **ижтимоий-маиший муаммолар** ва уларнинг **ечимлари бўйича аҳолининг таклифлари ўрганилди;**

– аҳолини ичимлик суви, газ ва электр энергияси таъминотида мавжуд муаммоларни тизимли ҳал этиш бўйича **туман (шаҳар) – вилоят кесимида 208 та ҳудудий чора-тадбирлар дастурлари** ишлаб чиқилди.

– ижтимоий-иқтисодий ривожланишда ортда қолаётган **“оғир”** тоифадаги **986 та, “Обод қишлоқ”** ва **“Обод маҳалла”** дастурларига киритилган **253 та маҳаллалар кесимида “манзилли дастур”лар** тасдиқланди;

– криминоген вазиятига кўра **“қизил”** тоифага киритилган **маҳаллалар кесимида комплекс профилактик ва тезкор-қидирув тадбирлари бўйича “йўл харита”лари** тасдиқланди.

Ўз навбатида, **иккинчи босқичда** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг топшириғига асосан тузилган, Президент

маслаҳатчиси ўринбосари ва Ички ишлар вазири томонидан мувофиқлаштирилаётган **республика идоралараро ишчи гуруҳи** томонидан:

- 2022 йилнинг **8-12 август** кунлари **Навоий** вилоятида;
- 2022 йилнинг **12-16 сентябрь** кунлари **Тошкент шаҳри** ва **Тошкент вилоятида**;
- 2022 йилнинг **25 сентябрь-18 октябрь** кунлари **Андижон, Наманган** ва **Фарғона** вилоятларида;
- 2022 йилнинг **13-17 октябрь** кунлари **Бухоро** вилоятида;
- 2022 йилнинг **27-31 октябрь** кунлари **Қашқадарё** вилоятида;
- 2022 йилнинг **9-13 ноябрь** кунлари **Сирдарё** вилоятида;
- 2022 йилнинг **16-21 ноябрь** кунлари **Жиззах** вилоятида аҳоли осойишталиги ҳамда криминоген вазият барқарорлигини таъминлаш фаолияти ўрганилиб, ташкилий-профилактик тадбирлар ўтказилди.

Амалга оширилган ўрганишлар давомида:

– жамоат хавфсизлигига масъул органларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш, мавжуд хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича манзилли вазифаларни белгилаш мақсадида жойларда **10 тадан** ишчи гуруҳларнинг фаолияти йўлга қўйилди;

– криминоген вазияти оғир **1 062 та** маҳаллага бориб, сектор раҳбарлари, профилактика инспекторлари, фуқаролар йиғини раислари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари ва хотин-қизлар фаолларига аҳолининг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этишнинг иш услублари ўргатилди;

– криминоген вазиятни барқарорлаштириш мақсадида ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари давомида **307 та** жиноят ва **9 195 та** маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланди, **265 та** жиноят “иссиқ изида” фош этилди, қидирувдаги **174 нафар** жиноятчи қўлга олинди;

– гиёҳвандлик воситаларини тарқатиб келган **275 нафар** шахснинг жиноий фаолиятига барҳам берилиб, **84,3 кг** гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил сифатида олинди;

– чигит савдоси билан ноқонуний шуғулланиб келган **25 та** жиноий гуруҳ аниқланиб, **749 т** чигит, **1 804 л** пахта ёғи мусодара қилинди, ноқонуний равишда сақланаётган **243 т** пахта хомашёси пахта қабул қилиш пунктларига топширилди;

– давлат захирасидаги **46,1 гектар** ерни **346 минг АҚШ** долларига сотишга уринган **30 нафар** фуқароларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди;

– ноқонуний равишда нефть ва спиртни қайта ишлаш билан шуғулланган **11 та** яширин цех фаолияти фош этилиб, **7 232 л** бензин, **5 134 дона** истеъмолга яроқсиз алкоголь маҳсулотлари мусодара қилинди;

– ов қуролини сақлаш қоидаларини бузган **246 нафар** (*116 дона*)

ов қуроли олинди), тиғли буюм олиб юрган **2 053 нафар** фуқарога (2 078 дона пичоқ, кастет ва биталар) маъмурий чоралар кўрилди;

– “Давомат” тадбирларида **3 873 нафар** ўқувчи мактабга қайтарилди, ётоқхонада яшовчи **34 855 нафар** талабаларнинг яшаш шароитлари ўрганилди;

– “Авторейд” тадбирлари давомида **43 748 нафар** қоидабузар аниқланиб, **5 612 та** автомашина жарима майдонига қўйилди.

Бевосита жойларда криминоген вазиятни барқарорлаштириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар аҳоли танқидий муҳокама қилинди.

Бунинг доирасида ўз хизмат фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйган ички ишлар органларининг **139 нафар** (тизимдан бўшатиши – 4, эгаллаб турган лавозимдан озод этиши – 30, махсус унвонида бир поғона пасайтириши – 2, жарима – 9, қаттиқ ҳайфсан – 16, ҳайфсан – 59, танбеҳ – 19) раҳбар ва масъул ходимларига нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилди.

Ўрганишлар давомида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича **хар бир вилоятда** манзилли тезкор-кидирув ва профилактик тадбирларнинг “Йўл харита”лари тасдиқланиб, ижрога қаратилди.

Амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар бир ҳудуд кесимидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилди.

VI. Жиноятчиликни “маҳаллабай” усулда жиловлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар

Бугунги кунда ҳар бир маҳаллада аҳолининг муаммоли тоифалари билан ишлашга **5 та идора вакиллари**, яъни **профилактика инспекторлари**, **хоким ёрдамчилари**, **ёшлар етакчилари**, **маҳалла раислари** ва **хотин-қизлар фаоллари** тўлиқ жалб этилмоқда.

6.1. Хусусан, ўтган 2022 йил давомида жиноятчиликни “**маҳаллабай**” усулида жиловлаш йўналишида:

– маҳаллаларда **6 251 маротаба сайёр қабуллар** ва **4 760 маротаба сайёр судлар** ўтказилиб, **3** млндан ортиқ хонадонлар ўрганилди;

– профилактик ҳисобга олинган **301 222 нафар** шахс билан манзилли профилактик тадбирлар ўтказилиб, уларнинг **24 495 нафари** ишга жойлаштирилди, **7 547 нафарига** моддий ёрдам кўрсатилди;

– **19 591 нафар** илгари судланган шахслар профилактик ҳисобдан чиқарилиб, **2 136 нафарига** тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашилди;

– соғлиқни сақлаш идоралари ҳисобида турган **14 827 нафар** шахслар, шу жумладан, **10 058 нафар** спиртли ичимликка ружу қўйган, **838 нафар** гиёҳванд ва **3 931 нафар** руҳий касаллар мажбурий даволашга жўнатилди;

– профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун **1 833 759 та** баённома расмийлаштирилди, жумладан **84 272 мартаба** суд мажлислари “онлайн” тарзида ўтказилиши таъминланди;

– бугунги кунда фаолият юритиб келаётган **9 373 та** маҳалла фуқаролар йиғинларининг, **332 тасида** “**Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани**” фаолияти йўлга қўйилиб, яна **802 тасида** шундай масканларни ташкил этиш ишлари давом эттирилмоқда.

6.2. Маҳаллаларда ёшлар ва вояга етмаганлар орасида жинойтчиликнинг барвақт олдини олиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш чоралари кўрилди:

– **ёшлар етакчилари** билан ҳамкорликда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкиллаштириш мақсадида **22 848 мартаба** спорт, **16 340 та** маданий ва **14 443 та** маърифий тадбирлар, **140 829 мартаба** учрашувлар ўтказилди;

– **вояга етмаганлар** орасида назоратсизликнинг олдини олиш мақсадида жамоат жойларида қаровсиз қолган **100 065 нафар** бола аниқланиб, уларнинг **28 014 нафари** ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштирилди, ота-она қарамогисиз қолган **207 нафарига** васий ва ҳомийлар тайинланди;

– фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналарнинг **436 нафари** ишга жойлаштирилди, **1 882 нафарига** моддий ёрдам кўрсатилди;

– **талабалар** орасида жинойтчиликнинг барвақт олдини олиш мақсадида, **187 та** олий таълим муассасасида **137 нафар** профилактика инспекторининг (*шундан 14 нафари аёл инспектор*) фаолияти йўлга қўйилди;

– **76 та** олийгоҳда **250 та** патруллик гуруҳлари ташкил этилиб, уларга **1 631 нафар** талаба жамоатчилик асосида жалб этилди;

– “**Хавфсиз таълим муассасаси**” тамойили асосида инспектор психологлар томонидан **89 098 нафар** тарбияси оғир болалар билан **135 374 мартаба** профилактик ишлар олиб борилди, уларнинг хонадонларига **133 208 мартаба** борилиб, фарзандининг тарбиясига эътиборсизлик қилган **77 752 нафар** ота-оналарга маъмурий чоралар кўрилди;

– вояга етмаганларнинг **5 730 нафари** ўқишга қайтарилди, **7 073 нафари** спорт, **5 296 нафари** факультатив тўғарақларга, **1 441 нафари** кичик бизнес шохобчаларига жалб этилди ва **1 805 нафари** “Баркамол авлод” марказларига жойлаштирилди;

– назоратсиз юрган **100 065 нафар** вояга етмаган шахслар аниқланиб, **28 014 нафари** ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам марказларига ва **299 нафари** ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилди;

– ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган буюмларни олиб юрган **1 179 нафар** вояга етмаганлар аниқланиб, улардан **596** дона пичоқ, **30** дона бита, **367** дона кастет, сурикен ва кистенлар ҳамда **190** дона бошқа ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган буюмлар олинди.

6.3. Хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳамда оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди:

– ижтимоий кўмакка муҳтож аёлларнинг **6 324 нафари** ишга жойлаштирилди, **1 315 нафарига** тиббий ёрдам кўрсатилиб, **6 029 нафарига** моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишда кўмаклашилди ва **345 нафар** зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахслар реабилитация қилиш марказларига жойлаштирилди;

– таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган **49 774 нафар** хотин-қизларга “ҳимоя ордери” берилиши натижасида **25 239 та** оилалар яраштирилиб, **20 887 та** низолар бартараф этилди;

– оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммолар ва турмушида зўравонлик ишлатилишига дуч келган **402 нафар** хотин-қизлар Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларига жойлаштирилди;

– ижтимоий муаммолари ҳал этилиши натижасида соғлом турмуш тарзига ўтган **30 720 нафар**, шу жумладан **827 нафар** вояга етмаган қизлар, **5 716 нафар** ёш (18-30 ёш) хотин-қизлар, **1 078 нафар** илгари судланган аёллар ички ишлар органлари ҳисобидан чиқарилди;

– оғир вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга тезкорлик билан зарурий ёрдам кўрсатиш учун тизимда (*Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати таркибида, 2022 йил 10 январдан*) қисқа “**1259**” ва “**1286**” рақамли “**Ишонч маркази**” ташкил этилиб, марказга қўнғироқ қилган **12 767 нафар** аёлларга психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

6.4. Аҳолининг кам таъминланган, яқка ёлғиз, боқувчисини йўқотган, ногирон ҳамда доимий меҳнат билан банд бўлмаган қатламлари билан ишлаш борасида “маҳаллабай” тизими йўлга қўйилди.

Мазкур тизим доирасида, ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарларига бириктирилган **3-секторларда**:

– “**Темир дафтар**”га киритилган **168 040 та** эҳтиёжманд оилаларнинг муаммоларини ҳал қилиш борасида амалга оширилган ишлар натижасида, бугунги кунга келиб уларнинг **162 031 тасида** (96,4%) даромад манбаи шакллантирилди ва улар Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари қарорлари асосида рўйхатдан чиқарилди;

– “**Аёллар дафтари**”га киритилган **161 114 нафар** хотин-қизларга кўмаклашилиб зарурий ёрдам кўрсатилди;

– “Ёшлар дафтари”га киритилган кўмакка муҳтож ёшларнинг **2 661 нафари** доимий иш ўринлари билан таъминланди, **2 554 нафарига** кредит ажратилди, **21 657 нафарига** ер ажратилди, **709 нафари** “устоз-шоғирд” анъанаси асосида хунармандларга бириктирилди, **10 141 нафарига** субсидия ажратилди, **14 137 нафарига** ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатилди. Амалга оширилган ишлар натижасида бугунги кунда жами **73 491 нафар** (93,2 %) ёшлар рўйхатдан чиқарилди.

VII. Жиноятчиликка қарши курашиш ва криминоген вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари

2022 йилнинг 12 ойи мобайнида республика ҳудудида жиноятчиликни жиловлаш, содир этилган жиноятларни фош этиш ва криминоген вазият барқарорлигини таъминлаш борасида **комплекс чора-тадбирлар** амалга оширилди.

7.1. Тезкор-қидирув фаолиятини жадаллаштириш йўналишида:

2022 йилда ходимларнинг ташаббуси билан **38 810 та** жиноят аниқланган бўлиб, мазкур амалиёт **18 фоизга** яхшиланган. Хусусан:

– **564 та** “хужра”, **73 та** ноқонуний намозхона, **66 та** ноқонуний диний жамоат ҳамда **2 179 та** интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали ёт ғояларни тарқатиш ҳолатларига барҳам берилган;

– ноқонуний муомаладан **2 тндан** зиёд гиёҳвандлик воситалари ва **86,5 кг** ёки **тўрт баравар** кўп психотроп дори-воситалари олинган;

– қоидага зид равишда сақланган **1 447 дона** ўқотар ов қуроли, **5 782 дона** пневматик қурол ва жамоат жойларида олиб юрилган **67 301 дона** совуқ қурол олиб қўйилган.

Шунингдек, республикада содир этилган жами жиноятларнинг **105 215 таси** ёки **89,3 фоизи** фош этилди, тергов органларидан яширинган **5 523 нафар** шахслар ушланди, **386 нафар** бедарак йўқолганлар топилиб, **17 та** шахси номаълум мурдаларнинг шахси аниқланди;

– **2 508 нафар** шахслар томонидан содир этилган **2 011 та** коррупция ва иқтисод соҳасидаги жиноятлар аниқланиб, улар оқибатида етказилган **197 млрд 137 млн сўм** миқдоридаги зарар ундирилиши таъминланди;

– **418 нафар** чегара қоидаларини бузган ҳамда **204 нафар** одам савдоси жиноятини содир этган шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилиши таъминланди;

– республика миқёсида **81 млн 919 мингдан** ортиқ фуқаролар иштирокида **162 643** мартаба ўтказилган оммавий-маданий тадбирлар давомида жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлиги тўлиқ таъминланди.

7.2. Криминоген вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари ва жиноятчилик ҳолати:

2022 йилда республикада ҳар **100** минг аҳолига **298** та жиноят тўғри келиб, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Фарғона вилоятларида салмоғи юқорилиги қайд этилган.

Жами маҳаллаларнинг **31** фоизида (2 928 та) жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган, ўз навбатида жиноятлар қайд этилган маҳаллаларнинг **3 391** тасида (42 %) криминоген вазият нисбатан мураккаб ҳисобланади.

2022 йилда республикада жами **66 405** та олдини олиш лозим бўлган жиноятлар содир этилиб, уларнинг сони **15** фоизга камайган. Бунда:

Жиноятларнинг асосий салмоғи ёки **54** фоизини ўғрилик (15 237 та) ва фирибгарлик (20 591 та) ташкил этган.

Ўғриликларнинг **10,1** фоизи хонадонларда, **6,8** фоизи савдо шохобчаларида, **8,4** фоизи автотранспорт воситаларидан содир этилган, **17,6** фоизини телефон, **5,5** фоизини велосипед, **6,1** фоизини ҳайвон ўғриликлари ва **3,7** фоизини киссавурлик ташкил этади.

Фирибгарликларнинг **8,5** фоизи ўқишга ва ишга киритиш, **6,7** фоизи автомашина, **5,9** фоизи уй-жой, **3,5** фоизи кредит, **3,9** фоизи чорва мол олиб бериш мақсадида ҳамда **6,6** фоизи қарз олди-берди масаласида содир этилган.

Ўғрилик жиноятларини асосан **16-30** ёшдаги (62 %) муайян касбга эга бўлмаган (57 %) шахслар содир этган.

Фирибгарлик жиноятига асосан **30-45** ёшдаги (70 %) нодавлат секторида ишлаб туриб (73 %) ўзининг иш фаолиятига тааллуқли бўлмаган соҳада ноқонуний хатти-ҳаракат содир этган (47 %) шахслар қўл урган.

Ўғрилик ва фирибгарликка қўл урганларнинг **16** фоизини илгари судланганлар, шундан салмоқли қисмини илгари айнан ўғрилик ва фирибгарлик содир этиб (36 %) озодликдан маҳрум этилмаган (91 %) шахслар ташкил этади.

– мулкий турдаги жиноятларнинг **18** фоизи (6 153 та) ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган бўлиб, уларнинг асосий салмоғини (4 555 та, 74 фоиз) фуқароларнинг банк пластик карталаридаги пулларни қўлга киритиш ташкил этган;

– олди олиниши лозим бўлган жиноятларнинг **17** фоизини (11 639 та) ўзаро низолар ва келишмовчилик сабабли содир этилган қотиллик, тан жароҳати етказиш ва безориликлар ташкил этган;

Мазкур жиноятларнинг **4 823** таси оилаларда, **3 667** таси жамоат жойларида, **2 885** таси дала майдонида, **264** таси ижтимоий объектлар ҳудудида содир этилган

Оилавий низолар сабабли содир этилган жиноятлар асосан **ёш** (35 %) ва **доимий даромад манбаи бўлмаган** (29 %) оилаларда, ўзаро низоли ҳолатлар эса **ичкиликбозликка берилганлар** (26 %) орасида юзага келган

– банд бўлмаслик ёки даромад топмаслик оқибатида **24 фоиз** (15 507 та) олди олинishi лозим бўлган жиноятлар содир этилиб, асосан Тошкент шаҳри (6 571 та), Тошкент (1 633 та), Андижон (1 392 та) ва Сурхондарё (1 002 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келган.

VIII. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш тадбирлари

2022 йил 11 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар асосида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ислохотларнинг **янги босқичи** бошланди.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг (АФ-9-сон) **фармойиши** асосида Республика ишчи гуруҳи ташкил этилиб, соҳадаги тизимли камчиликларни бартараф этиш мақсадида киритилган лойиҳалар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **6 та** қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг **7 та** қарори қабул қилинди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини таъминлаш, ҳаракатни ташкил этиш ва бошқариш соҳасидаги фаолият самарадорлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда:

– Бош вазир раҳбарлигида **Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш республика махсус комиссияси**, ҳокимлар раҳбарлигида эса **ҳудудий махсус комиссиялар** тузилиб, уларнинг **таркиби** ва **низоми** тасдиқланди;

– йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шaroитларини яратиш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Хавфсиз ва раван йўл” умуммиллий дастури тасдиқланди;

– **эксплуатация-монтаж бўлимлари** барча штат бирликлари, ёндош ҳудудлар ва моддий-техник базаси билан ҳокимликлар тасарруфидан ҳудудий Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларига ўтказилди:

– Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоятлар марказларида барча светофорлар ва йўл белгиларини **ўрнатиш** ҳамда **йўл чизиқлари чизиш масъулияти** бевосита ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати зиммасига юклатилиб, унинг ҳузурида **“Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика жамғармаси** ташкил этилди;

– автомактабларга **лицензия бериш** Ички ишлар вазирлиги томонидан расмийлаштириш, уларнинг ўқитувчиларини Вазирлик Академиясида **қайта тайёрлаш** амалиёти йўлга қўйилди;

– **“Йўл ҳаракати қоидалари”** янги таҳрирда қабул қилинди (141 та банд янгиланди);

– Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ҳудудий бошқармаларида умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари билан ҳамкорликда хизмат олиб борадиган **катта инспектор** лавозими жорий этилди ҳамда таълим

муассасаларида кўнгилли ёшлар иштирокида йўл ҳаракати қоидаларини фаол тарғиб қилувчи “Йўл ҳаракати қоидалари ёш тарғиботчиси” клублари ташкил этилди.

Шунингдек, аҳоли томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида бир қатор масалаларга (*фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган*) ижобий ечим топилди. Хусусан:

– 2022 йил 1 июлдан бошлаб автомашиналарнинг **орқа ён ойналарини** қорайтириш (*тонировка*) учун рухсатнома олиш тартиби бекор қилинди;

– **олд ён ойналари** тусини ўзгартириш (*қорайтиришига*) учун тўлов миқдори эса **олти бараварга** камайтирилди.

Шу билан бирга, 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб:

– янги автомашиналарни мажбурий техник кўрикдан ўтказиш **10 йил ўтгандан сўнг** амалга оширилмоқда;

– автомашинани бошқариш ҳуқуқини берувчи **ишончномани электрон** шаклда расмийлаштириш амалиёти йўлга қўйилди;

– йўл-патруль хизмати стационар масканларида “**Яшил**” ва “**қизил**” йўлак тизими босқичма-босқич республиканинг барча ҳудудларида ишга туширилмоқда;

Қайд этиш лозим, 2022 йил давомида республикада **9 906 та** йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, уларнинг **21 фоизи** (*2 088 та*) инсон ўлими билан яқунланган. Бунда:

– йўл-транспорт ҳодисаларининг **50 фоизи** халқаро ва вилоятлараро йўлларда, **33 фоизи** маҳалла кўчаларида, **10 фоизи** шаҳарлардаги чорраҳа ва йўл кесишмаларида, **9 фоизи** ижтимоий объектлар ёнида (*бозор, таълим муассасаси, истироҳат боғи*), **5 фоизи** йўллар атрофидаги объектларда (*АЁҚШ, техник станция, бекат, темир йўл кесишмаси, дўкон*) содир этилган;

– автоаварияларнинг **47 фоизи** ҳайдовчилар томонидан пиёдага йўл бермаслик ҳамда **32 фоизи** белгиланган тезликка, **23 фоизи** йўл белгиларига ва **11 фоизи** қувиб ўтиш қоида-қоидага амал қилмаслик оқибатида содир бўлган.

Автоавария оқибатида **2 356** нафар (*2021 йилда – 2 426*) инсон вафот этган, **9 606** нафари (*9 230 нафар*) жароҳатланган

IX. Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарор билан **қуйидаги асосий мақсадларга** йўналтирилган **Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси** тасдиқланди:

– ички ишлар органлари ходимларини “Инсон кадри учун” тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш;

– ички ишлар органлари ходимларида хизмат вазифаларига ҳалол, виждонан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндашиш, жамиятда умумэтироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш туйғусини шакллантириш;

– ички ишлар органларида содир этилиши мумкин бўлган ножўя хатти-ҳаракатлар, суиистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш, ҳуқуқ-тартибот тизими обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик.

Унга асосан қуйидаги **янги тартиблар белгиланди**:

– ички ишлар органларида хизматга биринчи марта қабул қилинган ходимларга нисбатан тайинланадиган дастлабки синов муддати **бир йил** этиб белгиланди;

– ҳудудий ички ишлар органлари эҳтиёжини инобатга олиб, Ички ишлар вазирлигининг академик лицейлари битирувчилари учун Ички ишлар вазирлиги Академиясида бакалавриятнинг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти” ва “Тезкор-қидирув фаолияти” таълим йўналишларига **тўлов-контракт асосида ўқитишни назарда тутган ҳолда, 200 нафаргача қўшимча ҳар йиллик қабул квотаси** киритилди;

– **2023 йил якунига қадар** ички ишлар органларида хизматга қабул қилишнинг соддалаштирилган тартиби ўрнатилиб, “**E-nomzod**” электрон ахборот тизимини яратилади;

– ички ишлар органларига хизматга биринчи марта қабул қилинган **ходимлар** вазирлик Малака ошириш институтида уч ойлик бошланғич касбий тайёргарлик курсларини муваффақиятли тамомлаганидан сўнг тегишли лавозимга тайинланади;

– **2023 йил 1 сентябрдан** бошлаб ходимларни “**Фуқаролар билан ишлаш модули**” бўйича узлуксиз ўқитиш амалиёти йўлга қўйилади;

– Ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизимини яратиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида жамоатчилик асосида доимий фаолият юритувчи соҳа олимлари, фахрийлари ва журналистлардан иборат **жамоатчилик кенгашлари** тузилади.

2022 йилнинг 12 ойи давомида **47 369 нафар** ходимларнинг малакаси оширилди ҳамда **хорижий полиция** тизими таълим муассасалари ва бўлинмаларида **199 нафар** амалиётчи ходимларнинг малакаси оширилди;

– ички ишлар органлари хизматига **3 844 нафар** номзодлар янгидан ва **143 нафар** собиқ ходимлар қайта қабул қилинди, иш самарадорлигини ошириш мақсадида **169 нафар** раҳбар ходимлар бошқа лавозимларга ротация қилинди, **8 068 нафар** ходимлар аттестациядан ўтказилди;

– психолог-мутахассислар томонидан шахсий таркиб билан **1 487 мартаба** тарғибот-ташвиқот ишлари, **26 646 мартаба** якка тартибдаги консултатив суҳбатлар ўтказилиб, **174 нафар** ходимлар психиатр кўригига юборилди;

– юқори натижаларга эришган **64 нафар** ходимлар давлат мукофотлари билан ва **4 355 нафар** ходимлар Ички ишлар вазирининг буйруғи билан тақдирланди;

– **133 та ҳолатда** пора бериш жиноятлари бўйича махсус тадбирлар ўтказилиб, хизмат вазифасига виждонан ёндашган ходимларга **490 млн сўм** пул мукофатлари берилди.